

VII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг январь-июнь ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 2532 тани ташкил қилди.

2020 йил январь-июнда ялпи худудий маҳсулотнинг 66,3 фоизи (2019 йил январь-июнида 65,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-июнда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1974,2 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,6 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 107,8 фоизни ташкил қилди;

-9544,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 97,2 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,9фоизи) ташкил қилди.

-2621,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 23,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 99,6 фоизни ташкил қилди;

2149,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 87,0 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 107,7 фоизни ташкил қилди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 95,3 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 90,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 94,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 97,6 улуши) кўпайиши таъминланди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,6 фоизи ёки 5688,1 млрд. сўм (ўсиш 93,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,0 улуши ёки 3216,0 млрд. сўмни ташкил қилди;

-51,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 48,5 фоизи) миқдоридан маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши


2020 йил январь-июнь ойларида (жамига нисбатан фоизда)



2020 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фукаролар мулки) улуши қуйидагича

| | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i> |
|---------------------------------|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 9544,4 | 98,9 |
| Саноат | 1974,2 | 31,6 |
| Қурилиш | 2149,4 | 87,0 |
| Чакана савдо | 5688,1 | 76,2 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 10,2 | 19,7 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 24,3 | 32,7 |


Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:



**Январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг
асосий кўрсаткичлари**

| | <i>Ўлчов бирлиги</i> | <i>2019 йил</i> | <i>2020 йил</i> | <i>(+-)</i> |
|---|--------------------------|-----------------|-----------------|-------------|
| Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони | <i>бирлик</i> | 19020 | 22326 | 3306 |
| Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар | <i>бирлик</i> | 3067 | 2532 | -535 |
| ЯҲМ | % | 65,7 | 66,3 | 8,6 |
| Саноат | % | 28,6 | 31,6 | 3,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | % | 99,2 | 99,3 | 0,1 |
| Инвестиция | % | 11,3 | 16,3 | 5,0 |
| Қурилиш | % | 83,0 | 87,0 | 4,0 |
| Савдо | % | 97,3 | 93,6 | -3,7 |
| Хизматлар | % | 70,0 | 69,0 | -1,0 |
| Юк ташиш | % | 83,7 | 88,4 | 4,7 |
| Юк айланмаси | % | 86,1 | 90,4 | 4,3 |
| Йўловчи ташиш | % | 94,3 | 96,6 | 2,3 |
| Йўловчи айланмаси | % | 96,1 | 97,6 | 1,5 |
| Экспорт | % | 33,3 | 48,5 | 15,5 |
| Импорт | % | 57,4 | 49,3 | -8,1 |


**2020 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодиёт тармоқларида
кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**



Январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши, фоизда

2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 66,3 фоизни ташкил қилди (2019 йилнинг январь - июнда 65,7 фоиз). ЯХМ таркибида кўпайиши йирик корхоналар улуши камайиши билан тушунтирилади.

2020 йил январь-июнь



**2020 йил январь-июнда кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлардаги
худудлар бўйича улуши, фоизда**

| | <i>Саноат</i> | <i>Инвестиция</i> | <i>Қурилиш</i> | <i>Хизматлар</i> |
|--------------------------|---------------|-------------------|----------------|------------------|
| Қашқадарё вилояти | 31,6 | 16,3 | 87,0 | 69,0 |
| Қарши ш. | 46,7 | 19,1 | 81,1 | 46,0 |
| Шаҳрисабз ш. | 82,6 | 59,2 | 74,7 | 84,9 |
| <i>туманлар:</i> | | | | |
| Ғузор | 4,5 | 1,3 | 70,0 | 86,0 |
| Дехқонобод | 12,2 | 5,7 | 100,0 | 99,7 |
| Қамаши | 100,0 | 34,6 | 98,9 | 97,0 |
| Қарши | 34,9 | 26,6 | 100,0 | 96,3 |
| Косон | 37,4 | 34,3 | 71,7 | 96,4 |
| Китоб | 96,3 | 29,6 | 99,0 | 96,0 |
| Миришкор | 58,4 | 70,7 | 100,0 | 93,0 |
| Муборак | 13,4 | 9,9 | 83,7 | 63,7 |
| Нишон | 3,8 | 19,8 | 100,0 | 91,7 |
| Касби | 100,0 | 67,5 | 95,2 | 96,1 |
| Чироқчи | 80,3 | 3,0 | 100,0 | 99,1 |
| Шаҳрисабз | 57,6 | 47,5 | 100,0 | 92,6 |
| Яккабоғ | 90,7 | 58,2 | 99,5 | 95,9 |

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Қамаши ва Касби (100,0 фоиз), Китоб (96,3 фоиз), Яккабоғ (90,7 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (82,6 фоиз), Чироқчи (80,3 фоиз) ва Миришкор (58,4 фоиз) туманларида кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Миришкор (70,7 фоиз), Касби (67,5 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (59,2 фоиз), Яккабоғ (58,2) ва Шаҳрисабз (47,5 фоиз) туманларида кузатилди.

Қурилиш соҳасида Дехқонобод, Қарши, Миришкор, Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Яккабоғ (99,5 фоиз), Қамаш (98,9 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Дехқонобод (99,7 фоиз), Чироқчи (99,1 фоиз), Қамаш (97,0 фоиз), Қарши (96,3 фоиз) ва Косон (96,4 фоиз) туманларини ташкил этади.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 2-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 134 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020 – йилнинг II чорагида, охириги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қониқарли иқтисодий вазият қурилиш корхоналарида 6,7 пунктга, хизматлар соҳасида 3,1 пунктга, савдода 3,3 пунктга, саноат корхоналарида 1,6 пунктга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1,4 пунктга ошди.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолайдиган барча фаолият турлари бўйича корхоналар улушининг ошиши кузатилди.

Жорий йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1,4 пунктга, хизматлар соҳаси 3,1 пунктга, саноат соҳасида 1,6 пунктга иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг кўпайиши кузатилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш 2020 йил II -чорак учун, фоизда




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020 – йилнинг II чорагида, охириги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан яқин уч ойда иқтисодий вазиятни яхшиланишига ишонган корхоналар улуши деярли барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайган.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда, хизматлар соҳаси 0,1 пунктга, савдо соҳаси 12,4 пунктга, саноат корхоналари 0,1 пунктга, қурилиш корхоналари 8,2 пунктга, яқин уч ойда уларнинг иқтисодий вазияти ўзгаришсиз қолишига ишонган корхоналар улуши ўсди.

Яқин келажакда иқтисодий вазият ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши камайган.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.